
МИБ Рейд: Ўзбекистон туманида "AUTOCON" тадбири давом этмоқда
Мажбурий ижро бюроси ташаббуси билан йўл қоидасини бузган фуқароларни аниқлаш ва улардан жарималарни ундириш ҳамда автотранспорт воситаларини жарима майдончаларига киритиш тадбирлари ўтказилмоқда.

Хусусан, жорий йилнинг 9 сентябрь куни ҳам Бюронинг қидирув шўъбаси ходимлари ҳамда вилоят ИИБ ЙҲҲБ вакиллари билан ҳамкорликда Ўзбекистон тумани кўчаларида бир қанча маъмурий жарималари мавжуд бўлган автотранспортлар жарима майдонига йўналтирилди.

Қайд этилишича, Ш.М. ҳам йўл ҳаракати қоидаларини бузиб, жарималарни ўз вақтида тўламаган ва шу боис унинг қарздорлиги 23 549 350 сўмни ташкил этган. "AUTOCON" тадбири натижасида фуқаро Ш.М.га тегишли "ONIX" русумли автомашинаси жарима майдончасига олиб кирилди.

Жарималарни тўламаса ўзи учун тегишлича яна оғир оқибатлар келиб чиқишини англаган фуқаро томонидан шу ернинг ўзида 9 та маъмурий жарима ҳамда 1 та давлат божи тўлаб берилди. Қолган жарималар тўлангандан сўнг автотранспорт воситаси жарима майдонидан чиқарилиши, акс холда автотранспорт воситаси аукцион савдоларига чиқарилиши тушунтирилди.

Хурматли ҳайдовчилар!

Йўл ҳаракати қоидаларини бузганлик учун жарималарни ўз вақтида тўлашни УНУТМАНГ!

А.Холбоев
Бюронинг Ўзбекистон тумани бўлими давлат ижрочиси

2024-09-11 15:38:24